



Хотира ва
qadrlash kuni

Эзгу фазилатлар мужассам айём

9 май – Хотира ва қадрлаш куни. Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, аجدодлар руҳига эҳтиром каби халқимизнинг энг эзгу фазилатларини ўзида мужассам этган улуғ айём бу.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлган “Адолат” социал-демократик партияси бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз йўлида умрининг навқирон чоғларини уруш оловларида, жанггоҳларда ўтказган инсонлар заҳматларини, “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият” таъминловчи асосида, бемисл жасорат сифатида баҳолайди. Партия ғоялари, мақсад ва вазифалари моҳиятида ҳамisha ўтганлар руҳига эҳтиром кўрсатиш, тирикларни қадрлаш инсонийликнинг олий қадриятларидан бири эканлиги тараннум этиб келинади.

Хотира – бу қадр. Хотира – бу тарих. Зотан, кечаги кунимиз улуғларини ёд этиш, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо

қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизнинг қадрига етишга, шукроналикка ўргатади. Бугун мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Адолат” партияси номидан уруш фахрийларини, пиру бадавлат, хонадонларимиз файзи бўлмиш нуруний отахону онахонларимизни, барча юртдошларимизни табриклаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб барчангизга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, хонадонингизга қут-барака тилайман! Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин!

Робахон МАХМУДОВА,
Сиёсий Кенгаши раиси

ADOLAT

ЎТТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА <https://adolat24.uz/> t.me/Gazeta_Adotat www.adolat.uz

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири


Хотира

Юлдузлар мисоли бедорсан,
Тогларнинг қоридек бокира.
Сен азиз зотлардан ёдгорсан,
Хотира, хотира, хотира.

Дунёда ботирлар кўп ўтган,
Сўнмаган яшашга ҳаваси.
Кимгадир ҳаёт ҳам бахш этган
Уларнинг энг сўнги нафаси.

То ўзинг мададкор экансан,
Ўчмагай қалбимда ҳаяжон.
Ниҳолни асли сен эккансан,
Онажон, отажон, бобожон.

Бу Ватан жаннатдир, жаннатдир,
Ҳаётдир сеҳрли, соҳири.
Шаънингга авлодлар раҳмат дер,
Хотира, хотира, хотира.



Биз ва дунё



Диққат, янги руки: ЁШЛАР ЁШЛАР ҲАҚИДА

“Биласизми, аянчлиси ўтмишимиздаги 100 йил эмас. Келажақдаги асримиз нима бўлади? Бу аҳволда кетаверсак 2124 йилни ўйлаб қўриқиб кетаман... Ачиняпман...

Талабалар ўз орзу-мақсадларини ўлдирган ёшлардан ташкил топган... Ҳа, ўша телефончи, қизтака, қоравойлар... Фақат қизлар ҳақида гурунг беради, қизтака. Шу мавзугаям кулоқ тутмайдиган телефончи...

У видеохабар ва ўйинлар ботқоғига тўпиғига ботиб кетган, фақат икки бош бармоғи ишлайди, холос...

Дунёдаги энг сеvimли ўйини тўнка ва пичоқ. Ёғоч айланаверади, пичоқни санчаверасан-санчаверасан...

Пичоқ устма-уст келиб қолса ўйинни қайта бошлайсан. Шу ўйинни 18 соат тинмай ўйнайди. У умрида дарс қилмаган, бундай нияти ҳам йўқ.

Яшашдан маъно йўқ у учун. Телефончи ўйнайверади...

Ваннада сув шариллайди. Қоравой фақат оқариш учун ўқишга кирган...

Қизтака қизларни телефонда ўрайди... Қизларимиз бозори тезроқ юриши учун ўқишга кирган...

Нима учун яшаяпсан? Улар мудрашяпти, сен мудраяпсан...

Биз ўқишга бориб келувчилар...

Кулгим келади аҳволимизга, йиғлолмайман, на қилай? Ватанинг учун ҳеч йўқ бир бора йиғлай олмаётганингни билатуриб ўлиш нақадар даҳшат?!”

Фракция йиғилиши

Бандлик соҳасида



ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, бандлик хизматларини такомиллаштиришга, фитосанитария талабларини энгиллаштиришга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида бандлик хизматлари такомиллаштирилиши муносабати билан "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинган сабаб бўлди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида партиясайловоли дас-турда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ёндашдилар. Лойиҳада назарда тутилган айрим нормалар буйича ўз тақлиф ва тавсияларини, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу

борада олиб борилаётган саясий-ҳаракатлар, кўп-лаб лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Шунингдек, бандлик соҳасидаги давлат хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш, соҳани рақамлаштириш натижасида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштириш, ишсиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва уларни касб-хунарга ўқитиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида иш берувчининг бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда юбориш шартлари белгиланиши, бандликка кўмакла-

шиш ва тадбиркорликка кўмаклашиш учун субсидиялар вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мақсадли жамғармалари ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда давлат хизматида ишга кириш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан йўлланмалар берилмаслиги назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, уни биринчи ўқишда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан берилган қатор тақлифлар эътиборга олингани ва уларнинг аксарияти лойиҳа матнида акс этганлиги қайд этилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бандлик хизматларини кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этиш, соҳадаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.



ХОТИРА ЎЧМАС, ҚАДР МАНГУ!

9 май – Хотира ва кадрлар куни муносабати билан Олтинарк туманидаги дала шийонида Ўзбекистон Қаҳрамони Лола опа Муродовани хотирлаш тадбири бўлиб ўтди.



Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари буйича доимий комиссияси раиси Д.Меҳмононова, туман жамоатчилик вакиллари, Республика Оила ва хотин қизлар, гендер тенглик комиссияси ҳузуридаги Ёш фермер қизлар мактаби ўқувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Д.Меҳмононова томонидан Ўзбекистон Қаҳрамони Лола опа Муродованинг ҳаёт йўли, қилган меҳнатлари ва 2004 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони, 2013 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени, 2017 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени ва 2019 йилда "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланганлиги фахр билан ёд этилди.



ФИДОЙИ ПАРТИЯ ДОШИМИЗ

Муҳаббат Шароповани қашқадарликлар тажрибали, жонкуяр педагог сифатида ардоқлашади. 1949 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган Муҳаббат опа 1971 йили Самарқанд давлат университетини тугатиб, ўзи таҳсил олган мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган.

1991 йили "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси", 1996 йили эса "Меҳнат шuhrати" ордени билан тақдирланган. 2000 йилдан бошлаб Қарши 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернатиде педагогик фаолиятини давом эттирган. 2007 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", 2016 йили эса жонажон ватанимизнинг энг юксак – "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан мукофотланган. Айни пайтда кўпга 75 ёшни қарши олган тиниб-тинчимас партиядошимиз ҳамон эл хизматида. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати ва вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси фаоли сифатида жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, истиқбол эгаларига тўғри йўл кўрсатиб келмоқда.

Қадр



фақат вилоятимиз, балки мамлакатимизнинг энг таниқли математика ўқитувчиларидан бири. Шу боис унга олийгоҳларга чорловлар ҳам кўп бўлган. Бироқ партиядошимиз онасининг маслаҳати билан мактабни танлаганини фахр билан айтади.

Муҳаббат опа креатив таълимни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, оилада гендер тенглик масалалари юзасидан тарғибот ишларида фаоллик билан ёндашмоқда. Ёш қизларни касб-хунарга ўқитиш, оилага тайёрлаш ҳам диққат марказида.

Кўни кеча бўлиб ўтган тадбирда ҳаловатсиз умр йўлини танлаган Муҳаббат Шаропова кўпга 75 ёшга тўлганлиги муносабати билан вилоят ҳокими Муротжон Ази-

мов муборакбод этди. Республикамиз турли жабҳаларида ишлаётган минглаб шогирдлари қатори Муҳаббат опани "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Руиддин Раупов ҳам қўтлади.

– Вилоятимиз жамоатчилиги, ҳамкасбларим, шогирдларим қўлови қалбимга ўзгача шукҳ берди, – дейди Муҳаббат Шаропова. – Мендай оддий математика ўқитувчиси учун бу катта шараф, албатта. Ҳаётда нимага эришган бўлсам, барчаси касбим туфайли, деб биламан. Бундан кейин ҳам имконим борича таълимни ривожлантиришга, ёшларга сифатли таълим-тарбия беришга улуш қўша-вераман.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Сафдошларимиз кексалар хонадониде

"Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши масъул ходимлари Тахнатож тумани "Ойдин йўли" МФЙда истиқомат қилувчи, 95 ёшлик фронторти фахрийси Жумаурди ота Балбаевнинг хонадониде бўлиши.

Партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Н.Қайпбергенов табарук ёшдаги отахонни байрам билан табриклади. Отахонга партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши номидан совға топширилди.

Ўз навбатида фахрий Ж.Балбаев давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун ўз миннатдорчилигини билдирди, юртимиз тинчлиги бардавом бўлишини тилади.

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



Аждошларни хотирлаш ва кексаларни эъзозлаш – улуг қадрият. Бу борада мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган дастурларда ёши улуг, нурунийларга бўлган ҳурмат, эътибор ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва кадрлар куни умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланаётганининг замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсадлар ётади.

"Адолат" СДП Шаҳрихон ва Марҳамат туман кенгашилари томонидан "Кексалар партиясътиборида" шиори, "Кексаларга меҳр кўрсатамиз!" акцияси остида ташкил этилган тадбирларда юқоридагилар ўз ифодасини топди. Туман кенгаши фаоллари айни шу мақсадда маҳаллаларга йўл олди. Сафдошларимизга партиянинг издошлари бўлган фаол ёшлар ҳам қўшилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Имминжон ота Темиров хонадониде "адолатчилар"нинг қўлловлари янгради. Партиядошларимиз кекса авлод вакилларининг хонадонларига кириб бориб, меҳр улашдилар. Юртимиздаги тинчлик, давлатимизнинг бугунги сиёсати ва инсон қадрига бўлган эътибори тўғрисида сўхбатлашилди. Ўз ўрнида отахон ва онахонлар эътибордан хурсанд бўлиб, дуога қўл очдилар.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати





Диққат, янги рукн:
ЁШЛАР ЁШЛАР ҲАҚИДА

Ҳайқирик

СОХТА
ҲАШАМАТГА
ҚАНЧАЛАР
ЎЧМИЗ

ёхуд 777 x 0 = ?

26 апрель куни xabar.uz сайтида бир хабарни ўқидим. Унга кўра юртдошларимиз бир ҳафтада, диққат қилинг, бир ҳафта ичида (!) ўз автомобилларига чиройли рақамлар олиш учун 17 миллиард 843 миллион 900 минг сўм сарфлаган. Бу маблағнинг 95 фоизи жисмоний шахсларга тўғри келади. Шу ҳафтада энг қиммат авторакамнинг баҳоси 206 миллион сўм бўлибди.



Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Мен бу хабарнинг ёлғон хабар бўлишини жуда истадим. Унчалик тилим келмаса-да, "фейк" бўлсин, дедим. Унчалик ёқтирмасам-да, шу дақиқаларда "фейк" сўзини хуш кўрдим. Лекин "бу ёлғон хабар", деган хушхабар келмади.

Эй менинг элдошларим, азиз юртдошларим! Элибойларим, бой боболарим! Шунча пулни мактаб учун деса сарфлармидингиз? Шунча пулни китоб учун деса сарфлармидингиз? Миллат маърифати учун шунча пул берармидингиз? Қандайдир касалликдан азоб чекиб ётган болалар учун бир ҳафтада шунча пул йиғармидингиз?

Нечук ҳашаматга мунчалар ўчмиз? Тўйлардаги исрофгарчилик устига энди рақамвозлик кўшилди. Сохта обрў нимага керак? Навбати келган рақамни олиб кетаверсак қадримиз тушиб кетармиди? Мен Эшқобил Шукур деган бир одам 333 рақамли машинада юрдим нима-ю, 359 рақамли машинада юрдим нима? Нима ўзгаради? Мен 333 рақамли машинада бошқа одамга айланиб қолармидим?

Менинг автомобилдаги рақам 777 бўлгани билан, ўзим 0 бўлсам, нима фойда? 777 ни 0 га кўпайтирсангиз баробар 0, барибир 0.

Аввало, ўзимиз олтин рақамли бўлайлик, маърифатимиз олтин рақамли бўлсин.

ШУХРАТПАРАСТЛИК ҲАҚИДА

Шуҳратпараст одам ҳамиша пасткаш бўлади.
П. ЧАЙКОВСКИЙ

Шуҳратпарастлик бизнинг дилмизда ва ўзимизга қарши ҳаракат қилувчи даҳшатли кучдир.
В.ГЮГО

Шуҳратпарастлик бизни ақл бовар қилмас даражада хоҳишимизга қарши ҳаракат қилишга мажбур этади.
Ф. ЛАРОШФУКО

Шуҳратпарастлик ўзимиз лойиқ бўлмаган шон-шуҳратга бевақт эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас.
А. СМИТ

Доно одам ўзи қилган ишнинг яхшилигига ишониб учунгина эътироф этишларини истади; шуҳратпараст эса мақтов талаб этади.
П. ВУАСТ

ТАЛАБАЛАР
ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ...

Мустақил ҳаёт остонасида турган мактаб битирувчисининг асосий қисми келгуси тақдирини олий таълимда кўради. Шу сабаб 8-, 9-синфда ўқиб юрган пайтлариданоқ репититорга бориш билан дастлабки ҳаракатларни бошлайди. Қайсидир маънода абитуриентлик – қўшимча топшириқлар ва тестлар, илм муҳити ва иккиланишларга бой давр сифатида хотирангизга муҳрланади. Машаққат ва тўсиқларни енгиб, талабалик мақомига эришдингиз ҳам, дейлик. Хўш, ундан кейин-чи? Қуйида бугунги талабалик даврининг энг долзарб муаммоларига нигоҳ ташлашга уриниб кўрамиз.

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли,
журналист

"ДАРСДА ҚАТНАШМАДИ"
БЕЛГИСИ ШУНЧАЛИК
КЎРҚИНЧЛИМИ?

Хабарингиз бор, республикамиздаги олий таълим муассасаларининг кўп қисми Европа таълим дастури бўлган «Кредит – модуль» тизмида фаолият юритиб келмоқда. Мазкур таълим тизмининг ўзига хос афзалликлари, ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор.

Жумладан, дарсларда сабабсиз иштирок этмаётган талабага «Кредит-модуль»нинг «нб»си, яъни «дарсда қатнашмади» белгиси анча қимматга тушади. Амалдаги тартиб-қоидага кўра, бир фанга ажратилдиган аудитория соатининг 25 фоизи ва ундан ортқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди. Натижада, академик қарздор сифатида тегишли фанга ажратилган кредит миқдорига мос равишда ортқча чиқим қилишга мажбур бўлади. Бу бир томондан, албатта, яхши. Негаки, ота-она ўзидан ҳам сукташлик ўтганини пайкаб, дилбандининг дарсларга бўлган масъулиятини оширишга даъват этиши мумкин. Аммо тангнинг иккинчи томони ҳам бор.

– Талаба олий ўқув юртига билим олиш учун келади, – дейди эко-блогер Нигина Икром. – Лекин у «нб» олга, қарздор фандан қўшимча пул тўлаб ўқиши керак. Бундай шароитда талабанинг ўз хоҳиши билан бориб, билим олишини тасаввур ҳам қилманг. Мактабга давомат учун борганинг эсимда, лекин университет... Кўплат ота-оналар боласини шахс сифатида хурмат қилмайди. Шу сабаб боласини қизиққан йўналишга эмас, ўзлари истиаган йўналишда ўқитишга уринишади. Чет элга юборишга кўплат ота-оналар қарши бўлишади, айниқса, киз болага. Нима бўлармиши, «бузилиб» қетармиши...

Фикрларга қараганда, олий таълимга кириш имтиҳонларида 5 тагача танлов йўналишини белгилаш билими бор абитуриентнинг ҳам, бир омадини синаб кўрмоқчи бўлган талабгорнинг ҳам «майдонда от чоптиришига» сабаб бўлмоқда. Натижада айрим абитуриентлар олий таълимга кириш учун ўзлари истамаган соҳани 4 йил ўқишга ва ўлаштиришга мажбур.

– 5 та танлов йўналишларидан ўзим хоҳламаган йўналишга кирдим, – дейди Саидбек Махдиев. – Тўғрироғи, мақсад – нима қилиб бўлса ҳам талаба бўлиш эди. Мана, энди талабаман. Бироқ мутахассислик фанларига деярли қизиқмайман. Олий математикада «рибд» ўйнасам, фалсафада аудиториянинг чеккасига жойлашиб, уйқуни ураман. Ҳайронман, нима қилсам экан? Камига дарсни кредит миқдорига қараб қолдирсак, ёзда қайта ўқишга, у ҳам майли, бунинг учун пул тўлашга тўғри келаркан. Энди шу «нб» олмай, деб келиб турибман.

Уйлайсан: бугунги талаба асли нимадан кўрқади? «Нб» тушишиданми ёки билим оладиган пайтни ҳавога совиришдан?

СОНДА БОР-У, САНОҚДА
ЙЎҚ (МИ?)

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан берилган маълумотга таянадиган бўлсак, жорий 2023-2024-ўқув йили учун ўтказилган олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш учун ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра, 193 421 нафар абитуриент талабалikka тавсия этилган. Шундан 42 655 нафари давлат гранти, 150 766 нафари тўлов-контракт асосида қабул қилинган. Энди 2023 йилда нечта ОТМ битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашганини кўриб чиқсак.

Бандлик вазириликнинг маълумотига кўра, айни вақтда республикада жами ишлаётган талабаларнинг сони 113 724 нафар.

Улар қуйидагича тақсимланади:

- ✓ Давлат ташкилотларида – 62 707 нафар (55,1 фоиз);
- ✓ Хусусий субъектларда – 47 235 нафар (41,6 фоиз);
- ✓ Бошқа секторларда – 3 782 нафар (3,3 фоиз).

Жорий йилда республикадаги олий таълим муассасаларини 237 940 нафар талаба битириб чиқади. Бу шунча олий таълим муассасаси меҳнат бозорига кириб келади, дегандир. Табиийки, иш берувчи ҳам, аввало, ходимдан мутахассислик дорасида яхшигина билим ва кўникма, қолаверса, ахборот технологияларидан фойдалана олиш каби талабларни қўймоқда. Савол туғилади: юқоридаги каби талабларни бажариш учун, меҳнат бозорига рақобатлашиш учун бугунги кун талабаси қанчалик тайёр?

– Ўзим дарслардан кейин кун бўйи кутубхонада бўлман, мол боқиб юрган, «алиф»ни «калтак» деёлмайдиغان Кўзйойни 4 йил ичида одам қилиб қўймайди, – дейди талаба Бунёдбек Келдибоев. – Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, талабалар орасида бунақалар ҳам топилади. Олий таълим талабага йўналиш, ўзиниёзга ўхшаган одамлар билан фикр алмашишга имконият яратиб беради, холос. Муҳими, диплом учун эмас, касбий кўникма ва билимни эгаллаш учун ҳаракат қилиш керак.

МЕН ҲАМ ЭДИМ
СЕНИНГДЕК...

– Олий таълим 11 йил мактабга бормасдан, мол боқиб юрган, «алиф»ни «калтак» деёлмайдиغان Кўзйойни 4 йил ичида одам қилиб қўймайди, – дейди талаба Бунёдбек Келдибоев. – Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, талабалар орасида бунақалар ҳам топилади. Олий таълим талабага йўналиш, ўзиниёзга ўхшаган одамлар билан фикр алмашишга имконият яратиб беради, холос. Муҳими, диплом учун эмас, касбий кўникма ва билимни эгаллаш учун ҳаракат қилиш керак.

Хулоса шуки, ҳола деган билан оғиз чучимади. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимга кўпроқ эътибор берилгани, талабанинг ўз устида ишлаши, мутахассислиги бўйича амалиёт даврини тўлақ ўлаштириши лозим. Қолаверса, талабалик даврида ёшлар бўш вақтини тўғри тақсимлаш, уларнинг қизиқиш ва тақлифларини инобатга олиб, қўлааб-қувватлашга бўлган эътибор бундан-да юксалиши керак. Бўлмаса, мақсадсизлик, дангасалик ёшларни чирмовуқдек ўраб олиши ҳеч гап эмас. Бунда ота-она ва олийгоҳ ҳамкорлиги муҳим пойдевор эканлигини унутмасак, кадрлар сифати ҳам, салмоғи ҳам кўнгидагидек бўлади.

